



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 100 (13.947)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Хабар қилинганидек, 2019 йил 21 июнь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси иш бошлади.

Унда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Олий Мажлис Сенатининг бугунги ялпи мажлиси барқарор миллий тараққиётимизнинг янги босқичида, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларида кенг қўламли ва шиддатли демократик ислохотлар жадал олиб борилаётган масъулиятли бир пайтда бўлиб ўтмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Харакатлар стратегиясида белгиланган устувор мақсадлар ҳалқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли изчил амалга оширилаётгани, миллий иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Президентимиз ҳалқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини янада яхшилаш, Ўзбекистоннинг халқро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш билан боғлиқ вазифаларни бажаришда Сенатнинг роли ва таъсирини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Биз Сенат деганда, биринчи навбатда, миллий парламентиимизнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий савиясини амалда намоён этадиган, халқ манфаатларининг чинакам ифодачиси ва ҳақиқий ҳимоячиси бўлган катта бир кучни тасаввур қиламиз.

Сенатор – бу халқнинг юксак ишончини қозongan вакил, деди Шавкат Мирзиёев. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида хотин-қизлар учун муносиб иш ва турмуш шароити яратиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, аёлларнинг социал-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида ургу берди.

Бир нарсани тан олиш керак: аёллар халқнинг дардини бошқалардан кўра чуқур ҳис қилади. Бу йил декабрь ойида Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларда аёлларимиз канчалик кўп сайланса, бундан давлатимиз ҳам, жамиятимиз ҳам фақат наф кўради, деди Президент.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида янги – Хотин-қизлар ва гендер тенглиги масалалари бўйича кўмига тузишни тақлиф этди.

Ялпи мажлисда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Маълумки, 2015 йилдан буён Сенат Раиси бўлиб ишлаб келаётган Нигматилла Йўлдошев Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинлангани муносабати билан лавозимидан мuddатидан олдин озод этилган эди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддасига асосан, Олий Мажлис Сенати Раиси лавозимига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – Хотин-қизлар

кўмитаси раиси лавозимига ишлаб келган Танзила Норбоева номзодини тақлиф этди.

Юқори палата аъзолари номзод тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Танзила Норбоева билими, тажрибаси, ватанпарварлиги, жамиятдаги обрў-эътибори, инсоний фазилатлари билан ушбу лавозимга муносиблиги, Сенат фаолиятини бугунги кун талаблари асосида такомиллаштириш бўйича Президент нутқида баён этилган устувор вазифаларни амалга оширишга қодир эканини таъкидладилар.

Сенаторлар томонидан яширин овоз бериш йўли билан Сенат Раиси лавозимига Танзила Норбоева сайланди.

Танаффусдан сўнг сенаторлар ўз ишини давом эттирдилар ва "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Ҳужжат туристик фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий ва институционал базасини шакллантириш, миллий туристик маҳсулотни ички ва жаҳон бозорларида танитишга кўмаклашиш, савт-хал индустриясини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Қонунда мазкур соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклики ривож-

лантириш, солиқ ва бошқона имтиёзларини белгилаш, янги иш ўринлари ташкил этиш, инновацион ва ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, туристик зоналар ва туристик кластерларнинг ривожлантирилишини рағбатлантириш каби йўналишлар шулар жумласидандир.

Бу соҳада Вазирлар Маҳкамаси ваколатларига ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уни рўёбга чиқаришни мувофиқлаштириш, туристик зоналар, туристик кластерларни ташкил этиш ва уларда туризм соҳаси субъектлари фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилаш, хизматлари сертификатлаштириш, туристлар ва экскурсантларни сугурта қилиш, улarga тиббий, ҳуқуқий ҳамда бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш тартибини белгилаш, бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш, туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш ва туризмни ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича идораларо ҳамкорликини мувофиқлаштириш, меҳмонхона хизматларини, туроператорлар ва турагентлар хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш каби вазифалар кирди.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам Сенат аъзолари! Хурматли ялпи мажлис қатнашчилари! Авваламбор, бугун сиз, азизлар билан учрашиб, барчангизни соғ-саломат, яхши кайфиятда кўриб турганимдан мамнунман.

Шу имкониятдан фойдаланиб, сизларга ўзимнинг юксак ҳурматим ва самимий тилакларимни билдираман.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бугунги ялпи мажлиси барқарор миллий тараққиётимизнинг янги босқичида, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларида кенг қўламли ва шиддатли демократик ислохотлар жадал олиб борилаётган масъулиятли бир даврда бўлиб ўтмоқда.

Ҳозирги кунда кўп миллатли халқимиз мамлакатимизда қабул қилинган Харакатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор мақсад ва вазифаларни амалга ошириш йўлида баҳамжихат бўлиб, қатъият ва фидойилик билан меҳнат қилмоқда.

Олдимизга қўйган улкан марраларга эришиш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятлари сафарбар этилмоқда. Айниқса, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, самарали ташқи сиёсат олиб боришдек устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Халқ билан доимий ва тизимли мулоқот асосида умумий сони 33 миллиондан ортиб бораётган аҳолиимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида янги қадамлар қўйил-

моқда. Жумладан, иқтисодиёт соҳасида ижтимоий йўналтирилган ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, тадбиркорлик, хусусий мулк ривожига кенг йўл очиб бериш, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ва инфратузилмаларини ташкил этиш масалаларига биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Янги иш ўринлари яратиш, замонавий уй-жойлар, йўл ва кўприклар, болалар боғчалари, мактаблар ва олий ўқув юрталари, шифохоналар, маданият ва санъат, спорт масканларини барпо этиш, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг ҳаёти обод ва фаровон бўлишига эришиш, уни рози қилиш – барча бугундаги раҳбар ва мутасаддиларнинг фаолият мезонига айланмоқда.

Албатта, ҳаётимиздаги бундай улкан миқёсдаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда миллий парламентиимиз – Олий Мажлис ва унинг юқори палатаси бўлмиш Сенатнинг, сиз, хурматли сенаторларимизнинг фаолияти гоят муҳим аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

Биз Сенат деганда, биринчи навбатда, миллий парламентиимизнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий салоҳиятини амалда намоён этадиган, халқ манфаатларининг чинакам ифодачиси ва ҳақиқий ҳимоячиси бўлган катта бир кучни тасаввур қиламиз.

Едингизда бўлса, бундан икки йил олдин, яъни, 2017 йил 12 июль куни сиз, муҳтарам халқ ноиблари билан учрашиб, парламентиимиз фаолиятини бугунги шиддатли даврнинг ўткир талаблари асосида янада такомиллаштириш бўйича энг муҳим вазифаларни белгилаб олган эдик.

Мен яхши эсламан, ўша учрашувда "Парламентиимиз ҳақиқий демократия мактабига айланши,

ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак", деган фикр ўртага қўйилган эди.

Ана шу дастурий фояни амалга ошириш учун Олий Мажлисга Мурожаатномаларимизда ҳам Ўзбекистоннинг бугунги ижтимоий-сиёсий ҳаётида миллий парламентаризмни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилгани сизларга яхши маълум. Бу борада, жумладан, Олий Мажлис палаталарининг жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг ишини самарали ташкил этиш учун зарур шароит яратиш, депутатлар ва сенаторлар фаолиятининг моддий-ташқилий таъминотини яхшилашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар қўрилди.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда амалга оширилаётган тизимли демократик жараёнларда Сенат томонидан қонун ижодкорлиги билан бирга таъсирчан парламент назоратини олиб бориш, жойларга чиқиб, аҳолиимизни қийнаётган, безовта қилаётган муаммоларни ўрганиш, уларни ҳам қонуний, ҳам амалий нуқтаи назардан ҳал қилиш юзасидан бир қатор эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилаётганини албатта эътироф этиш лозим.

Биз ўз фаолиятимизни бошлаган дастлабки кунлардан эътиборан сиз, хурматли халқ вакиллари билан барча муҳим вазифаларимиз қаторида энг асосий масалага алоҳида аҳамият қаратиш ҳақида келишиб олган эдик. Буларнинг биринчиси – жамиятимизда тинчлик ва оқимини сақлаш бўлса, иккинчиси – аҳолиимизнинг соғлигини муҳофаза қилишдир.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Янги рақобатбардош ишлаб чиқаришлар ва кичик корхоналарнинг ривожлантирилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича узлуқсиз равишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида 150 та кичик саноат зонаси ташкил қилинган бўлиб, уларнинг ҳудудида ҳар йили жами 1,7 триллион сўмдан ортиқ қийматдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмига эга бўлган 1 691 та кичик корхона фаолият юритади ва 27 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг иштирокчилари учун фаолият юритиш шароитларини сифат жиҳатидан яхшилаш ва маҳсулотларини сотишга кўмаклашиш, инвестициялар жалб қилинишини фаоллаштириш, авваламбор, фойдаланилмаётган, фаолият юритмаётган ишлаб чиқариш майдонлари негизда ташкил қилинаётган импортбоп маҳсулотларни чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларнинг жорий этилишини жадаллаштириш, ушбу асосда янги турғун иш жойлари ташкил этилишини таъминлаш ва аҳоли даромадини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида давлат муассасаси шаклидаги кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекцияларни (кейинги ўринларда – дирекциялар) ҳар бир кичик саноат зонасига дирекцияларнинг масъул ходимларини бириктирган ҳолда ташкил этиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари бир ой мuddатда янги ташкил қилинаётган дирекцияларнинг рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги "Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5621-сонли Фармони билан кичик саноат зоналари иштирокчиларига қўйидаги ҳуқуқлар берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

ўз маблағлари ҳисобига қурилган бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг қисмлари)га мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда расмийлаштириш;

реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлашни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширган тақдирда, бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган кундан бошлаб камида 3 йил мuddат ўтгандан кейин, бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг қисмлари)ни хусусийлаштириш; инвестиция ва бошқа ижтимоий мажбуриятларни тўлиқ бажарган тақдирда, бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган давридан бошлаб камида 5 йил мuddат ўтгандан кейин, ўзларига берилган бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг қисмлари)ни хусусийлаштириш.

3. Белгилаб қўйилсинки: а) кичик саноат зоналари фақатгина транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси мавжуд ёки ўтказиш осон бўлган фаолият юритмаётган корхоналар негизда ва қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган бўш ер майдонларида ташкил қилинади;

б) ер участкаларини бериш, кичик саноат зоналари ҳудудида амалга ошириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаш ва жойлаштириш тўғрисидаги қарорлар туман (шаҳар) ҳокимининг ер участкасини бериш тўғрисидаги алоҳида қарорини қабул қилмаган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгашлари (кейинги ўринларда – маъмурий кенгашлар) баённомалари шаклида расмийлаштирилади;

(Давоми 3-бетда)

XXI аср савдоси
Барча манбалардан олинган сўзлаш қабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термизда Мудофаа вазирлиги тизимидаги аралаш бригадалар мuddатли ҳарбий хизматчиларининг «Амир Темур ва Ўзбекистон тарихи билимдони» виқторинасининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим та-

шаббус доирасида ўтказилган тадбирда оддий аскарлар берилган саволларга ёзма жавоб бериб, олий таълим муассасаларининг малакали мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъатига топширди.

• Наманганда "Маҳалла жамиятиимиздаги адолат тамойилларининг кўзгуси" мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида гуллар шаҳрида жорий йилда 480 мингдан зиёд оиланинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли ўрганилиб, 360 минг муаммо аниқланди. Муаммоларнинг 85 фоизи ўз жойида бартараф этилиб, 32 минг 400 га яқин оилага 490 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредит ажратилган. Оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга

кўмаклашилганлиги ҳақида сўз борди.

• Бухоро вилояти кўз касалликлари шифохонаси кўз тубини нанометрларда текшириб, касалликни аниқловчи оптик конгенерент томографи билан жиҳозланди.

• Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрида умумий ўрта таълим муассасаларининг иқтидорли битирувчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Шу ҳафтадан бошлаб АҚШдан ноқонуний тарзда истиқомат қилувчи муҳожирилари ўз юртига қўчи-

риб юбориш жараёни бошланади. Маълумотларга қараганда, бундай кишилар сони Шимолий Америкада 12 миллион нафарни ташкил этади.

• Конго демократик республикасининг шимолий-шарқда этник тўқнашувлар авжига чиқди. Фермерлар ва чорвадорлар ўртасидаги можаролар 61 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Таъкидлаш жоизки, бундай тўқнашувлар Конгода 20 йилдан буён давом этиб келмоқда.

• Индонезиянинг Шимолий Ява музофоти қирғоқларида ҳаракатланаётган кеманинг ҳалокатга учраши натижасида 56 кишидан 17 нафари ҳалок бўлди, шулардан 4 таси болалардир.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

• "Ипак йўли" АНТБнинг Миробод туманида "Марказ" банк офиси тапталани очилиш маросими бўлиб ўтди.

• "Ёшлар кўши" доирасида 22-30 кунлари Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан пойтахтимида ишчи-магар яқин йирик оммавий-қўнғилочар тадбирлар, фестивал, марафонлар ва турли акциялар ўтказилади.

• "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан шахримиздаги "Ёшлар ижод саройи"да "Замонавий намунали оилани биргаликда яратамиз" номли тақдимот бўлиб ўтади.

• Тошкент давлат шарқшунослик институтида "Тарихий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий жиҳатлар ва Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро муносабатлар" мавзусида халқаро илмий конференция ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳаммаиш тушунамиз, тинчлик ва соғлиқ – бу ҳар бир инсон, бутун халқимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир. Шунинг учун ҳам мана шу икки соҳада биз ахволни тубдан ўзгартириб, ижобий натижаларга эриша олсак, бутун жаҳонимиздаги вазият ва ижтимоий муҳит кескин ўзгаради, мен бунга аминман.

Шу мақсадда биз парламент аъзоларига катта ишонч билдириб, Қонунчилик палатасига – соғлиқни сақлаш соҳасида, Сенатга эса ички ишлар органлари тизимида ислохотларни амалга оширишда бош-қош бўлишни таклиф этган эдик.

Бугунги кунда ички ишлар органлари фаолиятини самарали ташкил этиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини йўлга қўйиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролар онгида “Қонун – устувор, жиноятга жазо муқаррар”, деган юридик тамойилни қарор топтириш борасида эришилаётган ютуқларда Сенат аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Айни вақтда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, жамиятимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини янада яхшилаш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш билан боғлиқ гоят долзарб, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни бажаришда Сенатнинг роли ва таъсирини оширишни ҳаётининг ўзи талаб этмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, мен Сенат фаолиятида ўз ечимини қутиб турган бир қатор муҳим масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчидан, Сенатнинг қонунчилик фаолиятида, ишни тўри ташкил қилишда талабчанлик ва жонқуярлик, ташаббускорлик ва изчиллик етишмаётганини қайд этиш лозим.

Мисол учун, 2015–2018 йиллар давомида юқори палата томонидан 140 та қонун маъқулланган бўлса-да, аксарият қонунларнинг маъно-мазмунини Сенатда қўриб чиқилганидан сўнг сезиларли даражада ўзгармаган.

Маълумки, қонунлар муҳокамасининг бошланғич босқичларида миллий ва ҳудудий манфаатлар нуктаи назаридан Сенат аъзоларининг маъқул муҳомада фаол қатнашилари талаб этилади. Афсуски, шу мақсадда тузилган ишчи гуруҳлар фаолиятига айрим Сенат аъзоларининг юзаси ёндашиш ҳолатлари учраб туради.

Гарчи Сенат қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаса-да, бу ҳол унинг қонунларни тақомиллаштириш бўйича таклиф қўраётганига монелик қилмайдми. Тан олиш кераки, бу борада юқори палата вакиллари томонидан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий соҳалардаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, қонунчиликни ривожлантиришга оид асосланган таклифларни киритиш масаласи, афсуски, талаб даражасида эмас.

Иккинчидан, Сенатнинг парламент назоратига оид амалдаги ваколатларидан тўлиқ фойдаланилмапти. Ўтган 4 йил давомида Сенат томонидан атиги 10 та парламент сўрови юборилгани ҳам бунинг тасдиғидир.

Ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш талаб этилаётган ҳозирги шароитда бундай ҳолат бизни албатта қониктирмайди.

Тўри, кейинги вақтда Сенат томонидан марказий ва маҳаллий давлат органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини жойларга чиқиб ўрганиш юзасидан 131 та назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилган. Аммо маъқул тадбирларнинг натижадорлиги паст бўлиб, уларнинг аксарияти фақат тадбир ўтказиш учун номига ташкил этилмоқда.

Парламент назорати доирасида аниқланган тизимли муаммоларни умумлаштириб, ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳаларга оид қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини тақомиллаштириш бўйича аниқ, асосланган таклифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишлари қониктарли эмас. Айниқса, бу борада халқаро ҳуқуқ талабларини ҳамда ривожланган хорижий давлатларнинг қонунчиликни ўрганиш, уларнинг илгор юридик тажрибасини қўллаш бўйича ташаббусларни илгари суриш борасида Сенат фаолиятида ўзгариш сезилмапти.

Учинчидан, ҳаммаиш биламизки, Сенат – бу Олий Мажлисининг ҳудудий вакиллик палатасидир. Бироқ Сенат фаолиятида ҳудудларнинг манфаатларини инобатга олиш, умуман, ҳудудларга оид масалаларни қўриб чиқиш яқин-яқинга эътибордан четда қолиб келгани ҳеч кимга сир эмас.

Юқори палата томонидан муайян ҳудудни субвенция (дотация) дан чиқариш бўйича ҳокимнинг ахбороти бирор марта ҳам тингланмаган. Фақатгина 2018 йилда Сенат тарихида илк мартаба тегишли вилоят ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш юзасидан ҳисоботини эшитиш амалиёти йўлга қўйилди. Жумладан, Андижон, Бухоро, Фарғона вилоятлари ҳокимларининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботлари эшитилди. Лекин булар ҳали етарли эмас.

Айни вақтда юқорида зикр этилган парламент эшитувлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг мазмунини асосан ҳокимлик ва маҳаллий давлат идораларига умумий руҳдаги топшириқлар бериш билан чекланиб қолмоқда.

Бу ҳужжатларда ҳар томонлама чуқур тайёрланган, ҳар бир ҳудуддаги ижтимоий муаммоларни ечишга, аҳолининг оғирини енгил қилишга қаратилган аниқ вазифалар ўз ифодасини топмапти. Шу билан бирга, ушбу қарорлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш ишлари ҳам суст олиб борилмоқда.

Тўртинчидан, маълумки, Сенат зиммасига халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларнинг иш самарадорлигини ошириш вазифаси ҳам юкланган. Ушбу масала бўйича юқори палатаимизда махсус комиссия ҳам тузилган.

Маъқул йўналишда дастлаб муайян тадбирлар амалга оширилган бўлса-да, охириги йилларда Сенат томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини кучайтириш бўйича ишлар тизимли асосда олиб борилмапти. Ваҳоланки, жойлардаги маҳаллий Кенгашлар депутатларининг профессионал савияси ва ҳуқуқий саводхонлиги, уларнинг депутатлик фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш кўникмалари бугунги кун талаблари даражасида эмас, десак, муболага бўлмайдми. Хусусан, биз келгусида ҳокимларнинг ижро ва вакиллик ҳокимияти раҳбари сифатидаги ваколатларини алоҳида-алоҳида ажратиб қўйишни

ўз олдимишга вазифа қилиб қўйган эканмиш, Сенатнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан самарали ҳамкорликни ташкил этишдаги роли ва таъсирини янада ортиши табиий.

Бешинчидан, яна бир муҳим масала – бу Сенатнинг халқаро йўналишдаги фаолиятини кучайтириш билан боғлиқ.

Барчамизга аёнки, давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини кўтариш, фаол ташқи сиёсат олиб бориш соҳасида ҳам Сенатнинг муҳим вазифалари бор.

Бу соҳада Сенат, хусусан, Раиснинг биринчи ўринбосари Соҳиб Солиҳович Сафоев томонидан кўпгина ишлар амалга оширилаётганини албатта эътироф этишимиз керак.

Катта ҳаётини ва сенаторлик тажрибасига эга С.Сафоев хорижий давлатлар парламентлари ва халқаро ташкилотлар билан кўп қиррали ва самарали ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги туб ислохотларнинг маъно-маънунини жаҳон жамоатчилигига етказишда жонбозлик билан фаолият кўрсатмоқда.

Биргина шу йилнинг ўзида Сенат иштироки ва шарафига 50 дан зиёд халқаро анжуманлар, семинарлар ва давра сўхбатлари ўтказилган.

Лекин юқори палатаимизнинг халқаро йўналишдаги ишининг натижадорлигига яхлит баҳо берадиган бўлсак, ҳали тўла ишга солинмаган имкониятлар мавжуд. Жумладан, Парламентларо Иттифоқ, Европада ҳафсизлик ва ҳамкорлик ташкилотларининг Парламент ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги парламентларо ассамблеяси ва Ўзбекистон номидан Олий Мажлис аъзо бўлган бошқа халқаро парламент ташкилотлари билан ишлаш стратегиясини белгилайдиган, аниқ ва узоқ муддатли кўзлайдиган иш режаларини Сенат белгилаб олиши лозим.

Умуман, парламентларо ҳамкорлик доирасида сенаторларнинг чет элларга расмий ташрифлари олдиндан пухта режалаштирилиши керак, музокаралар доирасида хорижий шериклар билан муҳокамага қўйилган масалаларни пишиқ-пухта белгилаб олиш шарт.

Оддий қилиб айтганда, парламентларо ҳамкорлик оид ташрифларга юқори натижадорлик нуктаи назаридан ёндашишнинг вақти-соати келди.

Бундан ташқари, хорижий инвестициялар ва ташқи савдо масалаларига оид тасдиқланган кўплаб “йўл хариталари” устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ҳам Сенат фаолиятини янада тақомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномаларнинг ижросини парламент назорати тартибда мунтазам ўрганишни йўлга қўйиш лозим.

Азиз дўстлар!

Маълумки, ҳар қайси мамлакат, ҳар қайси халқ ҳаётида **Шахс – Оила – Жамият – Давлат** деган тушунча ва қадриятлар ҳал қилувчи ўрин тутади. Жамиятнинг бирламчи ва асосий бўғини бўлган оилани эса муҳтарам аёл сиймосисиз асло тасаввур этиб бўлмайди.

Халқимиз азалдан муқаддас Она зотиға, хотин-қизларга доимо юксак эҳтиром кўрсатиб келади. **Аёлға бўлган ҳурмат-эътибор – бу аввало оилаға, жамият келажағига бўлган ҳурмат-эътибор ифодасидир.**

Шу нуктаи назардан қараганда, **“Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга нисбатан муносабати билан белгиланади”**, деган ҳикматли сўзларда албатта чуқур маъно бор.

Ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланмоқда.

Бугунги кунда юртимиздаги давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин аёллар раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хотин-қизларимиз орасидан Олий Мажлис Сенатида – 17 нафар сенатор, Қонунчилик палатасида – 21 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Маҳаллий кенгашларда эса халқ вакилларининг 23 фоиздан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади.

Республика бўйича жорий йилнинг май ойида фуқаролар йиғинлари раислиги учун ўтказилган сайловларда 1 минг 25 нафар аёл ўзини ўзи бошқариш идоралари раиси лавозимига сайланди.

Юртимиздаги турли қорхоналарда ишлаётган раҳбар аёллар сони ҳам ўсиб бормоқда. Бу кўрсаткич 2017 йили 44,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 45,3 фоизга етган.

Хотин-қизларнинг улуши соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фоиздан зиёдини, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида 72 фоизни, қишлоқ ҳўжалигида 45 фоиздан ортиқни, саноатда 38 фоизни ташкил этмоқда. Юртимиздаги жами тадбиркорлик субъектлари таркибида тадбиркор аёлларнинг улуши 29 фоиздан иборатдир.

Шу ўринда БМТ Бош қотиби Антонио Гутерришнинг жорий йил 11-17 март кунлари бўлиб ўтган, мамлакатимиз делегацияси ҳам қатнашган БМТ Хотин-қизлар ахволи бўйича комиссиясининг 63-сессиясида айтган бир фикрини келтиришмоқчиман. **“Қаердаки сиёсий ва ижтимоий ҳаётда хотин-қизлар фаол иштирок этаётган бўлса, ўша жойда иқтисодий ўсмоқда, барқарорлик мустаҳкамланмоқда ва фуқароларнинг фаровонлиги юксалмоқда”**, деб таъкидлади А.Гутерриш.

Бугунги кунда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишига эришиш, гендер тенглик ва репродуктив саломатлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсатиға жаҳон ҳамжамияти, жумладан, БМТ, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби нуфузли халқаро ихтисослашган муассасалар томонидан юқори баҳо берилмоқда.

Барчамизни руҳлантириб, янги куч-қувват бағишлайдиган бундай ижобий ўзгаришларга, авваламбор, юртимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши, уларнинг ижтимоий нуфузини янада юксалтиришга қаратилган салмоқли ишларимиз мустаҳкам пойдевор бўлаётганини таъкидлаш лозим.

Ўтган қисқа даврда бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та Фармони, 2 та қарори, Хукуматнинг 6 та қарори ва 4 та фармойиши қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда. Албат-

та, сизлар буларнинг барчасидан яхши хабардорсиз. Шунинг учун мен бу масалаға батафсил тўхталиб ўтирмоқчи эмасман.

Энг муҳими, бу устувор йўналиш бизнинг доимий эътибор марказимизда бўлиб келмоқда. Жумладан, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ишга жойлаштириш, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишлари учун зарур шароит яратиш, уларни уй-жой билан таъминлаш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда.

Мисол учун, **“Хар бир оила – тадбиркор”** дастурини амалга ошириш доирасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан ўз бизнесини ташкил этмоқчи бўлган 12 минг 651 нафар аёлға 1 триллион 235 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар берилди. Шу билан бирга, Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳисобидан ҳам таъминланган оилаларға мансуб 1 минг 949 нафар опа-сингилларимизға 42 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Кейинги пайтда юртимизда ижтимоий ҳимояға муҳтож аёлларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш бўйича янги тизим яратилди. Ана шу тизим асосида 1 минг 564 нафар хотин-қизлар нафақат уй-жойға, балки иш ўринларига ҳам эга бўлиб, уларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланиб бораётгани гоят муҳимдир.

Хабарингиз бор, бугунги кунда **“Беш ижобий ташаббус”** доирасида бошланган ишларимиз тобора кенг тарқалмоқда, халқимиз бу ҳаракатни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, хотин-қизлар бандлигини оширишға доир бешинчи ташаббус бўйича 2019-2020 йилларда ҳар бир туманда тикув-трикотаж қорхоналарини қуриш ва аёллар учун қарийб 57 мингта янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда. Бу лойиҳалар ўзининг дастлабки натижаларини бермоқда. Лекин уларнинг самарасини ошириш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Эътиборингизни яна бир муҳим масалаға қаратмоқчиман. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги бўйича ўтказилган охириги ижтимоий сўровлар иштирокчиларининг 70,2 фоизи мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилганини қайд этган. Ушбу сўровда қатнашган 81,5 фоиз респондентларнинг фикрича, аёлларнинг жамоат ёки сиёсий ташкилотларда ўз фаолиятини амалга оширишда ҳеч бир шахс ва бирор-бир ҳолат уларға ҳалақит бермайди.

Шу ўринда мени онгимизда чуқур илдиш отган бир ақида кўп ўйлантиради. Биз доимо аёл – бу она, оиламиз бекаси, деб уларни улуғлаймиз. Бу тўғри, албатта. Аммо **ҳозирги кунда ҳар бир хотин-қиз демократик жараёнларнинг кутатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлмоғи шарт.**

Афсуски, биз узоқ вақт бу масалаға етарлича эътибор бермасдан, ҳурматли опа-сингилларимизнинг дарду ташвишларига бепарво қараб келганимиз туғайли йиллар давомида тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бугун, очигини айтиш керак, осон бўлмаяпти. Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, муҳтарам опа-сингилларимиз учун муносиб иш ва турмуш шароитларини яратиб бериш бўйича биз бор куч ва имкониятларимизни тўла сафарбар этишимиз керак. Чунки, тақрор айтаман, **агар аёл, она бахтли бўлса, оила бахтли бўлади, оила бахтли бўлса, бутун жамият, давлат мустаҳкам ва барқарор бўлади.**

Сиёсий-ижтимоий ҳаётимизда ҳурматли аёлларимизнинг ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлаш мақсадида қўйидаги муҳим вазифаларни амалга оширишимиз зарур.

Биринчидан, бундан ўн йил олдин Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари таркибида хотин-қизлар миқдори 20 фоиздан ортиқ эди. Эндиликда бу кўрсаткич юқори палатада – 17 фоизга, қуйи палатада эса – 16 фоизга тушиб қолди. Бу нимадан далалат беради?

Жавоб аниқ; сиёсий партияларимиз ўз сафларига билимли, ташаббускор ва ташкилотчи аёлларни жалб этиш, уларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишға етарлича эътибор бермапти. Ваҳоланки, БМТ маълумотларига қўра, парламентларда аёлларнинг вакиллиги бутун дунёда ўсиб бормоқда ва 2018 йилда бу кўрсаткич 24,3 фоизни ташкил этган.

Сизларға яхши маълумки, жаҳондаги демократик тажрибадан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз сайлов қонунчилигида парламент ва маҳаллий кенгашларға бўладиган сайловларда хотин-қизлар орасидан кўрсатиладиган номзодлар бўйичан 30 фоизлик квота белгиланган.

Юртимизда ўзининг ақл-заковати, чуқур билими, катта ҳаётий тажрибаси, фидокорона меҳнати, инсоний фазилатлари билан ҳаммаға ўрнак ва намуна бўлиб келаётган опа-сингилларимиз қўллаб топилди. Бу йил Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларға бўлиб ўтдиган сайловларда ана шундай сиёсий савияси етуқ, меҳнаткаш ва оқила аёлларимиз ўз салоҳиятини намоён этиб, депутат ва сенатор бўлиб сайлансалар, мен ишонаман, бундан давлатимиз ҳам, жамиятимиз ҳам фақат катта наф қўради.

Парламентға ва маҳаллий Кенгашларға сайланганидан аёллар сонининг ўсиши қонун ижодкорлиги жараёнида хотин-қизларнинг манфаатлари ва фикрларини ҳисобга олиш имкониятини беради. Шунингдек, давлат бюджети шаклланишида гендер тенглиги масалаларини инобатга олиш мумкин бўлади.

Иккинчидан, Олий Мажлис тизимида хотин-қизлар масалалари билан бевосита шугулланадиган бирор-бир қўмита мавжуд эмас.

Тўғри, 2017 йили Қонунчилик палатасининг Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияси тузилган эди. Бу тузилма негадир ишламади, унинг Низомида белгиланган вазифалар қозғоғда қолиб кетди. Оқибатда бугунги кунда оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашға, уларнинг жамиятдаги мавқеини оширишға қаратилган муайян бир тузилма Қонунчилик палатасида ҳам, Сенатда ҳам йўқ.

Учинчидан, ўтган икки йилда халқаро андозалар талаблари доирасида аёллар ахволини тубдан яхшилашға доир 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат имзоланган ва ижроға қаратилган. Аммо қонун ижодкорлари ўзларининг бу борадаги асосий вазифаси билан шугулланиш ўрниға, ҳали ҳам “ўхлаб” ўтирибди.

Фаоллик ва ташаббускорликни ошириш зарур. Яқин вақт ичида иккита янги қонун, яъни **“Эркаклар ва**

аёлларнинг тенг ҳуқуқлари ва имкониятлари қарор қилиш тўғрисида” ҳамда **“Аёлларни таълим ва зўраонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”** ги қонунларни қабул қилишимиз керак.

Тўртинчидан, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари жадал ривожланмоқда. Лекин 9 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотдан фақатгина 376 таси аёллар муаммолари билан шугулланади. Бу етарли эмас, албатта.

Ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларига таъминотларнинг иштироки етарли даражада сезилмапти. Улар фақат номиға йиғилиш ва тадбирлар ўтказиш билан машғул бўлиб қолмоқда.

Бу борадаги ахволни тубдан яхшилаш учун Сенат фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидаги масалаларға қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Авалло, оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий ҳаётда аёлларнинг иштирокини кенгайтириш бўйича қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини кучайтириш лозим. Бунинг учун қандай янги қонунлар қабул қилиш, қайси қонунларни ўзгартириш кераклиги ҳақида фуқароларимиз, сайловчилар сиз, ҳурматли сенаторларимиздан аниқ таклиф ва тавсия кутмоқдалар.

Яна бир муҳим масала – аёлларни иш билан таъминлаш, хотин-қизларнинг замонавий касб-хунарларни пухта эгаллаши учун шароит яратиш, уларнинг ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантириш, хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этишдан иборат.

Навбатдаги долзарб вазифа – аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, оилаларнинг тиббий маданиятини оширишда қўмақлаштириш, жойларда, хусусан, маҳаллаларда, хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган маърифий-тарбиявий ишлар самарадорлигини кучайтириш билан боғлиқ. Бу борада, айниқса, қиз болаларни ҳаётға тайёрлаш, уларни замонавий билим ва касб-хунарларға ўргатиш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларига кенг жалб этиш орқали уларнинг қобилияти ва салоҳиятини рўёбға чиқариш муҳим аҳамиятға эга эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз.

Шулар қаторида бизнинг меҳр-оқибатли, оққўн аёлларимизға мутлақо ярашмайдиган салбий иллатлар, яъни, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, жумладан, жиноятчилик, одам савдоси, оилавий ажирлар, эрта никоҳларнинг, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш доимий эътиборимиз мақсади бўлиши зарур. Бу борада хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича мамлакатимиз ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларни бажариш ҳам устувор вазифа ҳисобланади.

Кейинги пайтда тўғри йўлдан адашганларни кечириб ва соғлом ҳаётға қайтариш, оила, маҳалла ва жамиятда тинчлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш борасида бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз лозим.

Мана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида янги тузилма – Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмита тузишни таклиф этаман.

Муҳтарам Сенат аъзолари!

Ҳаммангизға маълумки, Нигматилла Тўлқинович Йўлдошев 2015 йилдан буён Сенат Раиси лавозимида ишлаб келди. Шу ўтган давр мобайнида Сенат томонидан эришилган барча ютуқ ва натижаларда унинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Конун нормаларида туризм соҳаси субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳамда ҳавфсизлигини ҳимоя қилиш устуворлиги, туризмни барқарор ривожлантириш ва бунинг учун кулай шарт-шароитлар яратиш, туризм соҳасида тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ракобатни ривожлантириш, туризм соҳасида ошқоралик ва очкилик каби асосий принциплар белгиланмоқда.

Бундан ташқари, Конунда халқаро ва ички туризм шакллари, шунингдек, маданий-тарихий, зийрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, ишбилармонлик, ижтимоий, спорт, тиббий, ёшлар туризми, агротуризм каби саёхат турлари мустақамланмоқда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг туризм соҳаси тадбирларидаги иштироки механизми белгиланмоқда, улар туризмни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, жамоатчилик назорати, бу соҳада тақлифлар киритиш, давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишдан иборат.

Ушбу ҳужжат мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни ривожлантиришга, пиривардада, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга қўмақлашни қайд этилди. Конун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар "Шахса доир маълумотлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўриб чиқдилар. Таъкидлангандек, бугунги кунда шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш долзарб масалалар ва бу нафақат интернет технологияларининг шиддат билан ривожланиши ва умуман глобаллашув, балки фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир ҳуқуқини ҳимоя қилиш зарурати билан боғлиқ. Конун шахсга доир маълумотларга ишлов бериш ва уларни ҳимоя қилиш чоғида қўлланадиган воситалардан, шу жумладан, ахборот технологияларидан қати назар, юзага келадиган муносабатларга нисбатан таъкид этилади.

Инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, шахсга доир маълумотларга ишлов бериш мақсадлари ва усулларининг қонунийлиги, шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги ва ишончилиги, шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги ва ҳимоя қилинганлиги, субъектлар, мулкдорлар ва операторлар ҳуқуқларининг тенглиги, шахс, жамият ҳамда давлатнинг ҳавфсизлиги асосий принциплар сифатида мустақамланган.

Бундан ташқари, Конунда давлат органларининг бу соҳадаги ваколатлари белгиланмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси давлат сийбати амалга оширилишини таъминлайди, давлат дастурларини тасдиқлайди, Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрини юритиш ва давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилайди, тегишли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, шахсга доир маълумотларга ишлов берилаётганда ушбу маълумотларнинг ҳимоя қилинганлиги даражасини, улар ҳимоясини таъминлайдиган талабларни, биоетрикти ва генетик маълумотлар мавжуд бўлган моддий жисмларга ҳамда бундай маълумотларни шахсга доир маълумотлардан ташқарида сақлаш технологияларига оид талабларни белгилайди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади; шахсга доир маълумотларга ишлов беришининг ҳамда мулкдорнинг ва операторнинг шахсга доир маълумотларга ишлов берилишини ҳамда уларнинг ҳимоя қилинишини таъминловчи таркибий бўлинмаси ёки ваколатли вакили фаолиятини ташкил этишининг намунавий тартибини тасдиқлайди, шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрини юритиш, шахсга доир маълумотлар базасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома беради, давлат назоратини амалга оширади, норматив-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш юзасидан тақлифлар киритади, шахсга доир маълумотларнинг зарур ҳимоя қилинганлиги даражасини белгилайди, ишлов бериладиган шахсга доир маълумотларнинг ҳажми ва мазмунини, фаолият турини, шахсга доир маълумотлар ҳавфсизлигига бўлган таҳдидларнинг ҳақиқийлигини таҳлил қилади, қонун ҳужжатларининг бузилишини бартараф қилиш ҳақида қўрсатмалар киритади.

Шу билан бирга, Конунда шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш механизми мустақамланмоқда, у шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий, ташкилий ва техник чоралар қўришни назарда тутди. Бу субъектнинг ўз шахсий ҳаётига ара-лашувдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқи амалга оширилишини, шахсга доир маълумотларнинг яхлитлигини ва бут сакланишини, шахсга доир маълумотларнинг махфийлигига риоя этилишини, шахсга доир маълумотлар қонунга хилоф равишда ишлов берилишининг олди олинишини таъминлайди. Конунда бундай маълумотларнинг махфийлиги, уларнинг ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган манбаларига киритиш учун субъектнинг ёзма розилигини олиш, шунингдек, субъектнинг шахсга доир маълумотларини ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган манбалардан унинг мурожаатига қўра чиқариб ташлаш таъминланмоқда. Конун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Парламент аъзолари "Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама қилдилар. Конунда Ҳисоб палатасининг давлат ташқи аудити ва молиявий назоратининг олий органи сифатида ҳуқуқий мақоми мустақамланмоқда.

Давлат бюджети лойиҳаси параметрларини шакллантиришни тизимли таҳлил қилиш, қабул қилинаётган давлат дастурларининг ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлиги аудитини амалга ошириш, шунингдек, бюджет маблағлари тушувларининг тўлиқлигини ўрганиш ҳамда назорат қилиш, Давлат бюджети даромадларини қўйиштириш захираларини аниқлаш ва сафарбар қилиш, амалга оширилаётган бюджет харажатлари самардорлиги ҳамда қонунийлигини аудитдан ўтказиш, бу харажатларни қамайтириш имкониятларини аниқлаш Ҳисоб палатасининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ҳисоб палатаси бюджет маблағлари ва давлат томонидан маблағ жалб қилиш ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини баҳолайди, солиқ, боқжона ва бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тақомиллаштиришга, бюджетни режалаштиришнинг замонавий усулларини жорий этишга доир тақлифлар киритади, республика бюджетини ҳамда маҳаллий бюджетлар ўртасидаги нисбатнинг мақбуллигини баҳолайди, Президент ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини назорат қилади, пул, кредит ва валюта сийбатини, мамлакат активлари ҳамда мажбуриятлари ҳолатини, олтин-валюта захираларининг бошқарилишини, шунингдек, қимматбаҳо металллар ва тошлар билан амалга оширилаётган операцияларни ташқи аудитдан ўтказди.

Ҳисоб палатаси фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, мустақиллик, холислик, очкилик ва шэф-фоблиқдан иборатдир. Бундан ташқари, Конун нормаларида Ҳисоб палатасининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги механизми белгиланмоқда. Шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш, мансабдор шахсларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари, шу жумладан, Ҳисоб палатаси ходимларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатлари, ман-

сабдор шахсларни моддий ва ижтимоий таъминлаш, палатани молиявий ва моддий-техник таъминлаш масалалари тартибга солиномоқда. Конун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра парламент аъзолари "Қуrol тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўриб чиқдилар. Ҳужжат давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар қонуний асосда эғалик қилаётган ва фойдаланаётган қуrol муомаласини тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилганлиги қайд этилди. Ҳужжатда қонунийлик, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш ҳамда сақлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш устуворлиги, халқаро мажбуриятларнинг виждонан бажарилиши, ахборотнинг ошқоралиги ҳамда ундан фойдалана олиш каби қуrol муомаласининг асосий принциплари белгиланмоқда.

Конунда қуrol турлари таснифланмоқда ва у фуқаровий қуrol, хизмат қуrolи ҳамда жанговар қуrolдан иборат. Фуқаровий қуrol оғури, спорт қуrolи ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуrolига бўлинади. Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини, мол-мулкни ҳимоя қилишга, табиати, қимматбаҳо ва ҳавфли юқларни, махсус хат-хабарларни муҳофаза қилишга доир вазифаларни бажариш чоғида юридик шахсларнинг ҳодимлари томонидан, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан шахсий ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида фойдаланиш учун мўлжалланган қуrol хизмат қуrolи жумласига киринди. Мудоффа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат ҳавфсизлик хизмати ва бошқа тузилмалар томонидан қўлланадиган, жанговар харакатларни олиб бориш ҳамда хизмат вазифаларини бажариш учун мўлжалланган қуrol жанговар қуrol ҳисобланади.

Шунингдек, Конунда қуrolни ва унинг ўқ-дориларини олиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар рўйхати белгиланган. Махсус органлар ва ҳарбий тузилмалар, махсус хизмат вазифаларига эга бўлган, қуrol ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш, оғичлик ва отиш спорт соҳасидаги фаолият билан шуғулланадиган юридик шахслар, қуrolни коллекциялаш ёки қўрғазмага қўйиш билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ана шу рўйхатга киринди.

Шундан кейин "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама этилди. Қайд этилишича, Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик жорий этишни назарда тутуви ўзгаришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга меҳнат қилиш ҳуқуқини, меҳнати муҳофаза қилиш қондиларини бузганлик учун жиноий жавобгарлиги қўйиштиришни назарда тутуви ўзгаришлар киритилмоқда. Меҳнат ва меҳнати муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, вояга етмаганлар меҳнатидан фойдаланиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги талабларни бузганлик, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаганлик, вақтинчалик ишга лаёқатсизлик, ҳомилдорлик ва туғиш бўйича нафақалар тўлаш мажбуриятидан бўйин товланганлик учун маъмурий жавобгарлиги қўйиштириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасига чет элдан иш қилиш жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик ҳам белгиланмоқда. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, меҳнат қилишга маъмурий йўллар билан мажбурланганлик ва бўш иш ўринларини бекитилганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик қўйиштирилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра парламент оқори палатаси аъзолари "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўриб чиқдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тўқатиш тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2940-сонли қарорининг 10-бандига мувофиқ Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатига оғ ва спортга мўлжалланган ўқотар қуrolни ҳамда унинг ўқ-дориларини, шунингдек, совуқ қуrolни (пичокларнинг миллий турларидан ташқари) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш ўқида фуқаровий ва хизмат қуrolи ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилишдан иборат янги фаолият тури киритилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самардорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 12 мартдаги қарорининг 11-бандига мувофиқ "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги ҳамда "Медияция тўғрисида"ги қонунларга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнида медиация институти жорий этилишини назарда тутуви ўзгаришлар киритилмоқда. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнида медиация тартиб-таомиллари ундирувчининг аризаси бўйича 15 кундан қўп бўлмаган муддатда ижро ишини юритишни тўхта-тиб туриш учун асос ҳисобланади. Ундирувчи ва қарздор ўртасида ижро предмети юзасидан битимга эришмаганда, шунингдек, томонлардан бири медиацияни давом эттиришдан воз келганда ёки уни амалга ошириш муддати тугаганда ижро ишини юритиш давлат ижросини томонидан қайтадан бошланади.

Мутахассис давлат ижросини қарори билан таниш-хулоса қонундан бошлаб 15 иш кунини ичиде ёзма хулоса тақдим этиш шартлигини назарда тутуви ўзгаришлар ҳам киритилмоқда. Киритилаётган ўзгаришга қўра ижро ҳужжатларида ундирувчининг ёки қарздорнинг электрон почтаси ёки мобил телефонининг рақами (агар улар судга ёки ижро ҳужжатини берган бошқа органга (мансабдор шахсга) тақдим этилган бўлса) мавжуд бўлган тақдирда, ижро ишини юритишни қўзғатиш тўғрисидаги хабарнома унинг жўнатилганлиги ва қабул қилиниб олинганлиги фактларини қайд этиш имконини берувчи махсус автоматлаштирилган тизимдан фойдаланган ҳолда электрон почтага ёқуд юзмалар алоқа воситалари орқали қисқа хабар (SMS) тарзида юборилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра парламент аъзолари "Халқаро меҳнат ташкилотининг 1930 йилдаги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли Конвенциясига Баённомани (Женева, 2014 йил 11 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўриб чиқдилар. Қонун билан Халқаро меҳнат ташкилотининг 1930 йилдаги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли Конвенциясига Баённомани (бундан буён матнда Баённома деб юритилади) ратификация қилиш назарда тутилмоқда. Унга қўра ХМТнинг ҳар бир аъзоси Конвенциядан келиб чиқадиган ўз мажбуриятларини ижро этиш мақсадида мажбурий меҳнат ҳавфининг олдини олишга, мажбурий меҳнат ҳавфини оширадиган омили-

ларни аниқлашга, иш берувчилар мажбурий меҳнат амалиётида иштирок этишининг олдини олиш учун уларни ўқитиш ва хабардор қилишга қаратилган фаол сарф-харакатлар олиб боради.

Баённомани 30 та давлат, шу жумладан, Буюк Британия, Норвегия, Финляндия, Франция, Чехия, Испания, Нидерландия, Исроил, Россия ратификация қилганлиги қайд этилди. Баённоманин мажбурий меҳнатни тақиклаш тўғрисидаги қондилари Конституцияда (37-модда), Меҳнат кодексига (7-модда), Жиноят кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, бир қатор қонунлар ва Ҳукумат қарорларида акс этганлиги таъкидланди.

Парламент аъзоларининг фикрича, ушбу Баённоманин ратификация қилиниши мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, бунга мажбур қилинганларни ҳимоя қилиш ва ҳимоя воситаларидан фойдаланишни таъминлаш бўйича янги мажбуриятларни белгиланган ҳолда халқаро-ҳуқуқий базани мустақамлаш, шунингдек, ХМТ билан муносабатларда Ўзбекистоннинг ижобий имижини шакллантириш, мажбурий меҳнатга дўчор қилинганлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар билан амалий ҳамкорлиқни ривожлантириш имконини беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар томонидан Навоий вилоятининг Навоий шаҳри ва Кармана тумани чегараларини ўзгаришти тўғрисидаги масала қўриб чиқилди.

Бу масала биринчи навбатда ҳудудларнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Жумладан, Кармана туманидан ажратилаётган ҳудудга қарий 7 минг киши истиқомат қилади.

Навоий шаҳри ҳудудининг чекланганлиги зарур ҳамда қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш имконини бермайди. Шу сабабли қўп қаватли уйлар, спорт иншоотлари ва ижтимоий объектлар майдони 144 гектардан ортқ Кармана тумани ҳудудининг бир қисмида қурилмоқда. Бироқ бу шаҳар коммуникацияларига улашиш имкониятини қийинлаштирмоқда. Шу муносабат билан Кармана тумани Варқ ва Ёшлик маҳаллаларининг 1097,58 гектар ерини Навоий шаҳри таркибига ўтказиш назарда тутилмоқда. Масала сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра парламентнинг оқори палатаси аъзолари Сирдарё вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитдилар.

Ялпи ҳудудий маъсуллот (ҲҲМ) ҳажми 2018 йилда 8,2 триллион сўмини, 2017 йилга нисбатан ўсиш суръати 102,1 фоизни ташкил этганлиги қайд этилди. 2019 йилнинг биринчи чорадаги ҲҲМ 1,8 триллион сўмини, ўтган йилнинг ўша даврига нисбатан ўсиш суръати эса 102,6 фоизга етди. Саноат маъсулотларини қириш ҳажми 1673,4 миллиард сўмини ташкил этди ва ўша даврга нисбатан 100,5 фоизга ўсди. Вилоятнинг асосий капиталини қўйиштириш учун 519,8 миллиард сўмлик инвестициялар киритилди. Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажми 543,2 миллиард сўмини, 2018 йилга нисбатан ўсиш 118,5 фоизни ташкил этди.

Хисоботни эшитишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февраль куни Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида берган топшириқлари ижросига, жумладан, вилоятнинг Ховос тумани марказини комплекс ривожлантириш чора-тадбирларига асосий ургу берилди. Хозирги вақтда Ховос шаҳарчаси марказини қуриш ишлари амалга оширилаётганлиги қайд этилди. Жумладан, 240 та квартирга мўлжалланган арзон нарҳларда 10 та беш қаватли уй қуриш ишлари оқори суратлар билан олиб боришмоқда. Бундан ташқари, 100 та уй қуриш учун ер майдонлари ажратилди, қурилиш ишлари бошланди.

Шу билан бирга, Сирдарё вилоятида ҳудудларни ривожлантиришга ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари иши самардорлигини оширишга салбий таъсир қўрсатадиган муаммо ва камчиликлар мавжуд. Айрим вазирликлар ва идораларда мавжуд муаммоларни хал қилишга комплекс ёндашилмаслиги туфайли бу масалалар долзарблигини йўқотмапти. Жумладан, электр билан таъминловчи корхоналар диспетчерлик пунктларининг махсус техника билан таъминланганлик даражаси 40-45 фоизни ташкил этиши, бу эса тегишли хизматлар сифатини таъминлаш учун етарли эмаслиги қайд этилди.

Муҳокама чоғида вилоят аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ҳудуд бўйича бу кўрсаткич атиги 65,6 фоизни ташкил этиши таъкидланди. Аслида бу кўрсаткич шу йилнинг ўзида 86,1 фоизгача ошириш имконияти мавжуд. Бунинг учун барча режалаштирилган ишлар аниқ ва сифатли бажарилиши керак. Муҳокама аяқларни бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин ялпи мажлис иштирокчилари истиқболли туризм йўналишида Ўзбекистон халқаро имижини ошириш чоралари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани қўриб чиқдилар.

Мамлакатимизга саёхат қилишни ҳовулчилар оқимини оширишга ҳажон ҳамжамиятини мамлакатимизда меҳмонлар учун яратилаётган шарт-шароитлар ва имкониятлардан тўғри хабардор қилиш муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди. Бироқ хорижий мамлакатлар ташқи сийсий идораларининг расмий тавсияларида Ўзбекистон ҳақида ноҳолис ва эскирган маълумотлар берилаётганлиги туфайли бу соҳада ижобий ўзгаришлар сезилмапти. Шу муносабат билан тегишли парламент сўровини юбориш зарурати юзага келди. Масала сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, парламент аъзолари Ички ишлар вазирлиги академик лицейларида қонун ҳужжатларини ижроси ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш ҳақидаги масалани ҳам қўриб чиқдилар. Масала сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар фуқароларнинг кўчмас мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, мулк ҳуқуқини расмийлаштириш ва уларни солиққа тортишга оид қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати ва бу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти тўғрисида, қишлоқ ҳўжалигида меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш ҳамда маъзур соҳадаги норасмий бандлик масалалари юзасидан, мамлакатда имконияти чекланган ёшларнинг таълим олиши учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида, умумтаълим мактаблари дарсликларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлиги тўғрисида аввал юборилган парламент сўровлари натижаларини қўриб чиқдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Сенатнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида 18 та масала, шу жумладан, 7 та қонун қўриб чиқилди.

Сенаторлар томонидан маъқулланган Ўзбекистон Республикаси қонунлари жамиятининг барча соҳаларида ҳуқуқий асосларнинг янада мустақамланганлиги ва ислохотлар ҳамда ўзгаришларнинг изчил амалга оширилишини таъминлашга қаратилганлиги таъкидланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси ўз ишини аяқунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

в) кичик саноат зонаси иштирокчиси томонидан инвестиция лойиҳасини кичик саноат зонасида жойлаштирилган кўндан эътиборан уч ой мобайнида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар қўрилмаганлиги, шунингдек, объектдан шартномада кўрсатилган мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги шартноманин бир томонлама тартибда бекор қилинишига асос бўлади;

г) кичик саноат зонаси иштирокчиси томонидан инвестиция лойиҳасини амалга ошириш объектив сабабларга қўра шартномада кўрсатилган муддатларда яқунланмаган бўлса ёки охириги 6 ой мобайнида ишлаб чиқариш фаолияти амалга оширилмаган бўлса, маъмурий кенгаш унга лойиҳа амалга оширилишини тезлаштириш бўйича "йўл харитасини" тасдиқлаган ҳолда қўшимча муддат тақдим этилиши ёқуд шартнома бекор қилиниши тўғрисидаги масалани қўриб чиқиши мумкин;

д) бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг қисмлари)ни хусусийлаштириш қўйидаги тартибда амалга оширилади;

ўз маблағлари ҳисобига реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлаш ишлари олиб бориладиган бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг қисмлари)да, бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган кўндан бошлаб камида 3 йил муддат ўтгандан кейин – реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлаш ишларининг харажатлари чегириб ташланган ҳолда белгиланган тартибда аниқланадиган баҳолаш қиймати бўйича;

инвестиция ва бошқа ижтимоий мажбуриятларни тўлиқ бажарган тақдирда (иштирокчининг шахсий маблағлари ҳисобига реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлаш ишлари олиб бормаган ҳолда), бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган кўндан бошлаб камида 5 йил муддат ўтгандан кейин – беш йил мобайнида тенг улшурларда тўловларни киритиш ҳуқуқи берилган ҳолда белгиланган тартибда аниқланадиган баҳолаш қиймати бўйича.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги:

а) маъмурий кенгашлар ва дирекциялар билан биргаликда уч ой муддатда: республиканин барча ҳудудларидаги кичик саноат зоналарини инвентаризация қилиш ва уларнинг фаолиятини ўрганиш ҳамда натижаси бўйича уларнинг ҳар бири кейинчалик фаолият юритиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритилишини;

кичик саноат зоналари иштирокчилари билан тузилган бинолар ва иншоотларнинг ижараси тўғрисидаги шартномаларни, зарур ҳолларда, белгиланган тартибда фойдаланилмаётган ва мақсадга номувофиқ фойдаланилаётган бинолар ва иншоотларни қайтариш чора-тадбирларини қўрган ҳолда ёки қўшимча лойиҳаларни жойлаштириш ҳисобига улардан оқилона фойдаланиш бўйича "йўл хариталарини" ишлаб чиққан ҳолда қайта қўриб чиқишини;

белгиланган муддатларда инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши бошланганини таъминламаган кичик саноат зоналари иштирокчилари билан инвестициялаш тўғрисидаги битимларнинг бекор қилинишини; ишлаб чиқаришнинг қисқа муддатларда фойдаланишга топширилишини қўзда тутган ҳолда оқорида қалаётган лойиҳалар бўйича тармоқ жадвалларининг ишлаб чиқишлигини таъминласин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда иқтимоий-иқтисодий р

ҲАР БИР БОЛАГА МЕҲР-ЭЪТИБОР

Халқимиз болажон халқ. Болани севиш, уни парвариш, меҳр кўрсатиш миллатимизга хос фазилатдир. Дарҳақиқат, дунёнинг шодлиги болалар билан. Уларнинг кулгуси билан олам мунаввар, оналар бахтиёрдир.

Шу боисдан, ёш авлодга қувонч улашиш, уларни соғлом улғайишига ҳисса қўшиш мақсадида Яшнобод туманидаги 165-сонли мактабгача таълим муассасида "Ҳар бир болага меҳр-мурувват" ойлиги доирасида "Соғлом бола - юрт келажиги" мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбир Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 ташаббуснинг ижросига қаратилган қатор чора-тадбирлар жойларда кенг амалга ошириб келинмоқда. Шу мақсадда тадбирда партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳам ушларга эътиборни қўйиб, ёш авлоднинг маданият, санъат ва спортга кенг жалб қилишга эътибор қаратмоқда.

Тадбирни партия Сийёси Кенгаши раиси ўринбосари Фарҳод Эшонқулов ҳамда шаҳар Кенгаши раиси Баҳром Валеевлар очиб, юртимизда олиб борилаётган ислохотларда навқирон, баркамол авлодни вояга етказишда жисмоний тарбиянинг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлаб ўтишди. Бу борада болалар спортини ривожлантириш юзасидан самарали ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Шундан сўнг ҳакамлар томонидан 165-сонли МТМ тарбияланувчилари ўртасида "Қувонч стартлар" мусобақаси очик деб эълон қилинди. Унда болалар гуруҳларга бўлинган ҳолда "Аргамчи билан югуриш", "Велоспорт", "Копток билан югуриш" ва "Аркон тортиш" шартлари бўйича беллашди.

Мусобақа жараёнида гуруҳ аъзолари ўзларининг спортга бўлган қизиқишини намойиш қилишди. "Аргамчи билан югуриш" шартлари бўйича болалар бир-биридан чаққонлигини кўрсатишган бўлса, "Велоспорт" шартлари иштирокчилар турнактор бўлиб, стартга туришди ва марра сари илдамлик қилишди. Беллашувнинг учинчи шартлари ҳам ўзига хос қизиқарли жараёнларга бой бўлди. "Копток билан югуриш" да эса ёш спорт-

чиларнинг бор маҳоратлари яққол кўзга ташланди.

— Бугунги кунда муассасамизда тарбияланувчилар учун 100 тадан ортиқ китобларни ўз ичига олган кутубхона, рақс, гимнастика, шахмат-шашка, инглиз тили тўғрисидаги хизмат қилмоқда, — дейди муассаса мудири Наргиза Исмоилова. — Партия томонидан ўтказилган тадбир болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга эстетик завқ улашиш, тумандаги қатор спорт мусобақаларида муфозил ўринларни забот этишларида муҳим аҳамиятга эга. Болаларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи бу каби мусобақаларимиз келгусида бардавом бўлади.

Тадбир давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Улуғбек Саматов, халқ депутатлари Яшнобод туман Кенгаши депутати Қобилжон Сағатов, халқ депутатлари Олмазор туман Кенгаши депутати Луиза Ҳикматовалар сўзга чиқиб, ҳозирги шиддатли даврда болаларга алоҳида меҳр-мурувват кўрсатиш, уларнинг таълим-тарбияси, спорт билан шуғулланишларида жиддий ёндашиш кераклиги, бу йўлда катталар тинмай меҳнат қилишлари лозимлигини таъкидлаб ўтишди. Боиси, бугуннинг болалари эртамеҳн эгалари экан, келажакка марралар билан юз тутишимиз, ёш авлодга қаратилган эътиборга боғлиқ эканлигини айтишди.

Бадий жамоаларнинг қуй-қўшиқлари иштирокчиларга ўзгача завқ улашди. Мусобақа давомида болалар шахмат-шашка ўйини, расм чизиш, мозаика ясашга ҳам улгуришди. Бундан ташқари, шахмат бўйича жаҳон чемпиони Исрол Синдоров, бокс устаси Абдухамид Ҳакимов, эшак эшиш бўйича Ўзбекистон Миллий терма жамоаси, халқаро турнирлар ғолиблари томонидан маҳорат дарслари ўтказилди.

Мусобақа сўнгида мактабгача таълим муассасидаги барча болаларга партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда ҳомийлар томонидан совғалар топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА



Маданият

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ – БОРЛИГИМИЗ

Яқинда Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Чилонзор туман ҳокимлиги, туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман Кенгаши ҳамда "MADAGASKAR LIVE" жамоаси билан ҳамкорликда болажонлар учун шоу байрами ўтказилди.

Тадбирга Чилонзор туманидаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кўп болали оилалар фарзандлари таклиф этилди.

— Ушбу тадбир жорий йилнинг ёз мавсумида болаларни мароқли дам олдириш ва соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда Президентимизнинг 2019 йил 19 мартда "Ёшлар билан ишлашнинг самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш бўйича 5 та муҳим ташаббусни амалга ошириш тўғрисида" берилган топшириқларни ижросини таъминлаш мақсадида ташкил қилинди, — дейди Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Чилонзор туман Кенгаши депутати Зафаржон Мирзақулов. — Болажонларнинг ёзги таътил вақтларини мазмунли ўтказиш, бегубор қалб-

ларига бир олам қувонч улашиш баробарида болаликка яна бир бор қайтган ва ўша беозор дамларда бир он бўлсада яшагандек ҳис қилдик ўзимизни. Инчунун, болаларнинг шодон кулусидан гўзал нарсанинг ўзи йўқ бу дунёда.

Тадбир доирасида катта шоу дастурлари, эртақ қаҳрамонларнинг сахнавий чиқишлари, ота-оналар ва болажонлар ўртасида турли хилдаги қизиқарли ўйинлар ва викториналар ўтказилди.

Уч мингдан зиёд болажонлар иштирок этган байрам дастури баркамол авлод вақилларига, ота-оналарга ва боғга ташриф буюрган меҳмонларга бирдай манзур бўлди.

Айниқса болаларга тақдим этилган совғалар уларнинг қувончига янада қувонч бағишлади.

Гулнор САТТОВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

Футбол янгиликлари

GERMANYALIK MUTAHASSISLAR BILAN HAMKORLIK

Амалдаги Ўзбекистон чемпиони "Локомотив" клуби дунёга машҳур бўлган Германиянинг "AF SPORTS REACTIVE" яқиндан ҳамкорлик қиладиган бўлди.

"Локомотив" стадиони анжуманлар саройида клуб ва компаниянинг ўзаро келишувига бағишлаб ўтказилган тадбирда клуб ва комиссия мутахассислари, футболчилари, ОАВ вақиллари иштирок этди. Тадбирда ҳар икки томон ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Эндиликда "Локомотив"нинг янги ҳамкори клубнинг барча тоифадаги футболчиларига ҳоридан жамоалар кидириш, уларнинг ўртасида воситачи бўлиш, ҳам тўп усталарининг ҳуқуқларини юридик томондан қимоя қилиш ишлари билан шуғулланади.

TASHKILIY MASALA KURILDI

Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси (ПФЛ)нинг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон спорти мутасаддилари УФА раҳбарлари, мутахассислари иштирокида уюштирилган йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Шу кунгача ПФЛга раҳбарлик қилиб келган Омон Гофуров ўз аризасига кўра, эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Энди Ўзбекистон Профессионал футбол лигасига жоқ йиллар мазкур соҳада фаолият олиб бориб, тажриба тўплаган Даврон Шоқурбонов раҳбарлик қилади.

MURABBIYLAR TALABI QONDIRILDI

Ўзбекистон чемпионатида иштирок этувчи барча футбол клублари бош мураббийлари учун белгиланган "кийиниш тартиби" ("дресс-код") бекор қилинди.

Бош мураббийлар футбол учрашуви вақтида галстук тақшига мажбур эдилар. Жаҳон футболини кузатиш амалиётдан келиб чиққан ҳолда, бош мураббийлар эндиликда ўйин вақтида галстук тақмасликлари мумкин. Бундан ташқари, ўйин давомида мураббийларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида клубнинг расмий спорт экировкасида бўлишга ҳам руҳсат этилади.

UQUV KURSARI YAKUNLANDI

Пойтахтимиздаги "Чигатой" спорт базасида уюштирилган "В" дипломи учун ОФКнинг халқаро мураббийлик курсларининг иккинчи модули якунланди.

Мазкур курсларда катнашган 24 нафар мураббий каторида Тимур Яфаров, Марсель Идиатуллин каби ўтмишнинг маҳоратли чарм тўп усталари ҳам борлиги қувонarli. Назарий ва амалий машғулотлардан иборат бўлган ўқув курсларини ФИФА ва ОФК инструктори Исрол Аҳмедов бошқарган бўлса, унга Даврон Қудратуллоев ёрдам берди.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

Тақдимотлар

КИТОБЛАР – КЎНГИЛИНИНГ МАЪНАВИЙ МУЛКИДИР

Давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йил 19 мартда ўтказилган "Ёшлар билан ишлашнинг самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш бўйича 5 та муҳим ташаббусни амалга ошириш тўғрисида"ги видеоселектор йиғилиши ижроси доирасида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

5 муҳим ташаббуснинг 12-сонли баёнидаги Биринчи ташаббус ижросини амалга таъбиқ этиш, ёшларни мусиқа санъатига бўлган қизиқишларини ошириш, уларни китобхонликка қизиқтириш, композициялик ижодиётига бағишланган махсус адабиётлар билан яқиндан таништириш мақсадида Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси томонидан ҳам дастуруламал ишлар олиб боришмоқда.

Бунинг натижаси ўларок, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватловчи "Илҳом" Жамоат Фонди билан ҳамкорликда бир қатор адабиётлар ва монографиялар чоп этилди.

Биобарин, Дилором Сайдаминованинг "Жизнь в гамме звуков", Рустам Абдуллаевнинг "Жизнь в музыке" монографиялари, "Ўзбекистон композиторлик ижодиёти масалалари" ҳамда "Ўзбекистон композиторлари ижодида замонавий технологиялар: муаммо ва ечимлар" конференциялар маърузалари тўпламларининг нашр этилиши ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Яқинда Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасида юқоридagi тўпламларнинг тақдимоти бағишланган

ижодий кеча бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор Дилором Омонуллоева, мусикашунос олималар санъатшунослик фанлари номзодаи профессор Ирина Галушенко, доцент Инесса Гульзарова ҳам сўзга чиқиб, уюшма томонидан олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларининг кенг йўлга қўйилганлиги, Президентимиз томонидан жорий қилинган 5 муҳим ташаббуснинг амалга таъбиқ этилишда уюшма фаол қатнашиб келаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

— Илмий-адабий-бадий аҳамият касб этувчи ушбу адабиёт фанларининг интеллектуал салоҳиятини оширишга, онгу тафакруни теранлаштиришга муносиб ҳисса қўшади, — дейди Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ижодий шўъба мутахассиси Мухайё Набиева. — Шунинг билан бирга Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Давлат мукофоти совриндори, профессор Рустам Абдуллаев ҳамда Халқаро танловлар совриндори, ўз касбининг етук мутахассиси Дилором Сайдаминованинг ҳаёти, ижоди ва уларнинг бугунги кундаги серкирра фаолияти билан яқиндан танишиш имконини беради. Шунингдек, келажак ав-

лоднинг, бўлажак мусикашунос, бастакор ва санъат ихлосмандлари Ўзбекистоннинг таниқли композиторлари ҳаёти, ижодий ва услубий қирраларини чуқур ўрганишларида асосий дастур вазифасини ўтади. Зеро, устозларимизнинг ҳаёт йўллари ва олиб бораётган самарали меҳнатлари кекса-ю-ёш, барнамизга бирдай сабоқ ва намунадир.

Дарҳақиқат, китоблар инсон тафакрунинг энг олий гултожи ҳисобланади. У нафақат ёшларнинг балки жами инсонларнинг ҳаётига мазмун, кунларига ёруғлик, хаёлларига эса энг ойдin орузларни ошно этади. Китоблар сабаб одамзод эзгуликка ва яхшилик интилади, ёшларимизнинг эса маънавий олами юксалади. Бу каби тадбирлар эса, ёшлар ва соҳа мутахассисларнинг келажакда янги адабиётлар нашр этилишида фаол қатнашишлари, мусиқа санъатининг мутахассислар ва бўлажак олимлар томонидан чуқур ўрганиб таъдиқ қилиниши йўлида ўзига хос намуна вази-фасини ўтади.

Китоб муаллифлари ва бош қаҳрамонлар иштирокида ўтказилган ижодий учрашув, санъат олами вақиллари ва меҳмонларига бирдай манзур бўлди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2019 йил 26 июль кунин соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига АТ "Халқ банки" Тошкент шаҳар Олмазор филиалининг 19.06.2019 йилдаги 370-сонли буюртманомасига асосан банк тасаруфидан бўлган Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш 2/3-мавзе, 11-уй манзилида жойлашган умумий майдони 124 кв.м. бўлган 339-сонли коммунал касса бошланғич нархи 270 900 000 сўм миқдорда қўйилмоқда.

Юқоридagi кўчмас мулк 2019 йил 26 июль кунин соат 11:00 да сотилмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2019 йил 12 ва 28 август кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридagi кўчмас мулк билан тегишли Халқ банки филиали вақиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида катнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлган миқдорда закатал пулини "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖнинг "Xalqbank" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлимидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: х/р: 20208000100757166001. МФО 01132. СТИР 304 802 952.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш кун олдин тўхташилади. Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулк учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Тел: +998-71-236-25-53. www.capitaltrust.uz

Лицензия RR – 0298

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтини

Кафедралардаги қўйидаги лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Табиий фанлар кафедраси: ўқитувчи — 1.
Ҳорижий тиллар кафедраси: доцент — 1, ўқитувчи — 1.
Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли қарорига мувофиқ, "Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом" талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 августдаги 246-сонли "Ўзбекистон Республикасининг айрим қарорларига педагогик фаолият самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарори асосида ўтказилади.

Танловда катнашиш учун аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент вилояти, Заңгиота тумани, Чорсу кўргони. Телефон: 230-32-71.

3-рақамли Тошкент бизнес мактаби томонидан 2001.07.04 йилда Каландаров Бахтиёр Эрқиновичга берилган КНТ № 215018 (рег. №37494) сонли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКOR ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳари, Юнусобод тумани, Улуғбек тор кўчаси, 5-уй учун Исметуллоева Гулсара Жангабаевна номига туман БТИСИ томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКOR ҚИЛИНАДИ**

Тошкент туризм касб-хунар коллежи томонидан 2016 йилда Аъзамова Шохсанам Равшан кизи номига берилган К № 4479229 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКOR ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 07.12.1999 йил 496-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган "ALPLA TASHKENT" МЧЖ (СТИР 202408575) таъсисчининг 03.06.2019 йилдаги қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ**

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб икки ой давомида қўйидаги манзил орқали қабул қилинади: Бектемир тумани, Бинокор кўргони, Зирот кўчаси, 1-уй. Телефон: (97) 407-87-25.

"ALPLA TASHKENT" МЧЖ сўзи ўрнига "ALPLA TASHKENT" шўъба корхонаси деб ўқилсин.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва яшанбадан ташқари ҳар кунин соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.
Факс: (371) 232-11-39.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



— 36-38 даража иссиқ бўлади. Узидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 25 июнда Тошкент шаҳрида об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратиб, шўълоланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 25 июнь кунин ҳаво ўзариб туради, ёғинлиқ бўлмайди. Шарқдан секундиға 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.
Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта булимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.ru

Буюртма Г- 646

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқиди
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳафта — 2 босма таъбиқ офсет усулида босилади.
2024 нускада босилди.
Қороз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акматали АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00
Босишга топширилди: 15.00